

# "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" эълон қилинди

30 октябр 2016



ZiyoNET ресурс маркази "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" акциясини ўтказди. Ушбу акция учун мамлакатдаги 374 та диққатга сазовор жойлар танлаб олинди.

Энг кўп овоз олган еттита объект расмий равишда "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" сифатида эълон қилинди. Булар:

1. Регистон ансамбли (Самарқанд)
2. И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон санъат музейи (Нукус)
3. Тошкент телеминораси (Тошкент)
4. Симпозиумлар саройи (Тошкент)
5. Мирзо Улугбек расадхонаси (Самарқанд)
6. Ичан-Қалъа (Хива)
7. Гўри-Амир мақбараси (Самарқанд)

Мазкур акциянинг тақдирлаш маросими Ўзбекистон миллий кутубхонасида INFOLIB-2016 ҳафталиги доирасида бўлиб ўтди. Унда етти мўъжизага киритилган ҳар бир объект раҳбарларига эсдалик ёрликлари топширилди.

Meros.uz лойиҳаси координатори Зумрад Шожалилова тадбир қатнашчиларини акциянинг бориш жараёни ва яқунлари билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев меҳмон бўлди. Бу ҳақда "Infocom.uz" [хабар берди](#).

